



## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҲАЁТИМИЗДАГИ ЎРНИ

Дадабоев Дилшод Абдужалил ўғли

Наманган Муҳандислик Қурилиш институти З-босқич талабаси,

dadaboyevdilshod@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6034362>

Рақамили иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамили технологияларни кўллаш асосида амалга ошириш тизимиdir. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланиши мумкин.

Рақамили иқтисодиётнинг оддий иқтисодиётдан фарқи нимада? Масалан, харидорга кийим керак. Уни бозорга тушиб ўзи бевосита танласа ва нақд пулга сотиб олса, бу анъанавий иқтисод. Телеграмдаги бирон савдо боти ёки канал орқали ўзига маъқул товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш (payme,click, paynet, qiwi, webmoney, visacard...) ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олиш – рақамили иқтисодиёт дейилади. Бу масалани энг содда мисол орқали тушунтиришдир. Аслида, ҳаммамиз аллақачон рақамили иқтисодиёт ичидамиз, унинг қулийликларидан фойдаланамиз. Масалан, ойликларимиз пластик карталарга тушади, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошқа маҳсулот ва хизматларга тўлов қиласиз, электрон тарзда солиқ декларацияси топширамиз, картадан картага пул узатамиз, уйга таом буюртма қиласиз ва ҳоказо.

Рақамили иқтисодиёт – бу нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир.

Белгилари:

- юқори даражада автоматлаштирилганлик;
- электрон ҳужжат алмашинуви;
- бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви;
- маълумотлар электрон базалари; CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги;
- 1. Тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлкира ва бошқа ресурслар тежалади).
- 2. Товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.
- 3. Рақамили дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта.
- 4. Фидбек (истеъмолчи фикри) ни тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади.
- 5. Тезроқ, сифатлироқ, қулийроқ. Яққол мисол.

Рақамили платформаларнинг ривожланиши соҳасидаги ёрқин мисоллардан бири сифатида “Алибаба” электрон савдо тизимига эга бўлган



Хитой компаниясини келтириб ўтиш мүмкін. Ундан фойдаланиш тажрибаси шуни күрсатадыки, маълумотлар тўплаш жараёнида иқтисодиётнинг турли секторларига экспансия учун ўта рақобатли устунликлар яратилади. “Алибаба” бу – оддийгина рақамли платформа эмас, балки платформалар экотизимиdir.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бизга нима беради?

Рақамли иқтисодиёт коррупция ва “қора иқтисодиёт”нинг асосий күшандасидир. Чунки, рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди. Маълумотлар кўплиги ва тизимлиги ёлғон ва қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Натижада “ифлос пулларни” ювиш, маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ё яшириб кўрсатиш имкони қолмайди. Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади,

бюджет тақсимоти очик бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ўғирланмайди, мактаблар, касалхоналар, йўлларга ажратилган пуллар тўлиқ етиб боради ва ҳоказо.

Рақамли иқтисодиётнинг ўз валютаси (криптовалюта, биткоин), пул сақлайдиган кармони (блокчейн), ҳисоблаш усуллари (майнинг) каби терминлари мавжуд. Улар ҳақида янада батафсил маълумот олиш тавсия қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган ҳисобланади. Бундан ташқари Иқтисодиёт, Молия, Ахборот технологиялари, Адлия вазирликлари ва бошқа қатор давлат тузилмалари рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун ўзига хос масъулият ва вазифаларга эга.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги вақтда Рақамли иқтисодиёт ҳаётимизнинг энг муҳим бўлагига айланиб бўлган. Биз рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун биринчи навбатда дастурий таъминотларни кўпайтиришимиз ва интернет сифатини оширишимиз керак.

### **Foydalaniman adabiyotlar:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари, фармонлари ва фармойишлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.
4. Ишлаб чиқилаётган норматив-хуқуқий хужжатлар.